

Қалблар нима билан юмшайди?



15:00 / 11.12.2018 3523

Умар ибн Салоҳ айтади: “Имом Аҳмаддан “Қалблар нима билан юмшайди?” деб сўрадим. У менга бир қараб, бир муддат жим қолди. Сўнг “Нима билан дейсанми? Ҳалол луқма ейиш билан”, деди. Сўнг мен Абу Насрнинг олдига бориб, ундан ҳам “Қалблар нима билан юмшайди?” деб сўрадим. У: **“Билингки, қалблар Аллоҳнинг зикри ила ором олур”**, деди. Мен унга бу саволни Имом Аҳмад ибн Ҳанбалдан сўраганимни айтдим. У: “У кишидан сўрадингми?” деди. Мен: “Ҳа. Ҳалол луқма ейиш билан деб жавоб бердилар”, дедим. Абу Наср: “У сенга қалбларнинг юмшашига асос бўладиган нарсани айтибди”, деди”.

“Солиҳлар гулшанидан”